I-111/3 1969 № 21 19 40

Янги йилингиз кутлуғ бўлсин!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ★ 1 январь 1969 йил, чоршанба ★ № 1 (14.164). ◆ Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ХАЛҚИГА

ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Яна бир неча дақиқалардан сўнг 1968 йил тарих ҳисобига ўтади. Бизнинг халқимиз бу йилни ўз бурчини ижро этганлиги учун ифтихор туйғулари билан кузатиб қолмоқда. Утган йил ҳар бир совет кишисининг дилида яхши хотира қолдирди. Улуғ Ватанимиз тағин ҳам қудратли бўлиб қолди. Коммунизмнинг биринчи қурувчиси бўлган совет халқи қудратли маънавий-сиёсий яқдиллигини, ўзининг бунёдкорлик режаларини амалга оширишу учун, социализм, демократия ва тинчлик позицияларини мустаҳкамлаш учун курашдаги енгилмас иродасини яна бир карра яққол намойиш қилди.

1968 йилда мамлакатимиз коммунизм йўлидан яна бир катта одим ташлади. Қаҳрамон ишчилар синфи, шонли колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлилари самарали меҳнат қилиб, беш йилликнинг учинчи йилини муваффақиятли туғалладилар. Индустриянинг юзлаб янги корхоналари ишга туширилди. Дон, пахта, қант лавлаги ва бошқа экинлардан мўл ҳосил кўтарилди, давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш йиллик планлари ошириб бажарилди. Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш юзасидан партия белгилаган вазифаларни амалга ошириш учун бошланган кураш кенг кўламда қизиб кетди.

Совет кишиларининг фаровонлиги узлуксиз ошмоқда, меҳнаткашларнинг реал даромадлари ўсди. Утган йили уй-жойлар, мактаблар, маданий-маиший муассасалар қуриш тағин ҳам кенг миқёсда авж олди.

Олимлар ва инженерлар, маориф ходимлари, адабиёт ва санъат усталари — барча совет зиёлилари ўзларининг илҳомбахш ижодлари билан совет фани, техникаси ва маданиятини ривожлантиришда янги чўққиларни забт қилдилар.

Бизнинг порлоқ идеалларимизни рўёбга чиқариш учун олиб борилаётган умумхалқ курашида совет хотин-қизларининг роли жуда катта. Корхона ва далада, лаборатория ва дарсхонада, давлат ва жамоат ишида — ҳар ишда ва ҳар соҳада уларнинг моҳир қўллари ва ақл-идроки самараларини кўриб турибмиз. Советлар мамлакатининг ёш бўғини уларнинг меҳрибонлиги ва қалб ҳаратидан, уларнинг сидқидилдан қилган эътиборидан баҳра олиб, камол топмоқда.

Совет ёшлари ота-боболарнинг улуғ революцион анъаналарининг, жангдаги ва меҳнатдаги шижоатининг муносиб ворислари бўлиб етишмоқдалар. Йигит ва қизлар завод ва фабрикаларда, қурилишларда ва колхоз далаларида ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар, билимларни қунт билан эгалламоқдалар, фан, техника ва маданият чўққилари сари кўтарилмоқдалар, кекса авлодлар улуғ ишининг изчил давомчилари бўлишга интилмоқдалар.

Ватанпарварлик ва интернационал бурчига содиқ бўлган, замонавий қудратли қурол ва энг янги техника билан таъминланган совет Қуролли Кучлари халқимизнинг тинч меҳнатини қаттиқ туриб муҳофаза қилмоқдалар, қардош мамлакатларнинг армиялари билан биргаликда социалистик ғалабалар посбонлигида сергак бўлиб турибдилар.

Ленин васиятларига содиқ бўлган бизнинг Совет давлатимиз ўз ташқи сиёсатида социализм ва халқлар озодлиги ишини, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик ишини, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини муттасил қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келмоқда.

Бутун совет халқи, дунёдаги барча прогрессив кишилар бизнинг муваффақиятларимиздан ғоят фахрланмоқдалар. Миллион-миллион совет кишиларининг ижодий меҳнати ва ғайрати билан, уларнинг бир ёқадан бош чиқариб қилаётган ҳаракати билан Коммунистик партия XXIII съездининг қарорлари муваффақиятли амалга оширилмоқда, бутун башариятнинг келажаги — коммунизмнинг мустаҳкам бинои қад кўтармоқда.

Янги йил арафасида давлат ҳокимиятининг олий органи — СССР Олий Совети халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1969 йилги истиқболларини белгилаб берди.

Қардошларча дўстлик ва муштарак идеаллар туфайли абадий иноқлашиб қолган кўп миллатли давлатимизнинг халқлари кириб келаётган 1969 йилни меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик мавж урган бир шароитда кутиб олмоқдалар. Беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун, улуғ байрам — В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган ҳаракат чинакам умумхалқ ҳаракатига айланиб кетди. Партиянинг: Ленин сингари яшайлик, меҳнат қилайлик ва ғалаба қозонаверайлик! — деган даъвати шу кунларда янги куч билан янграмоқда.

— Марксизм-ленинизмга, Ленин васиятларига садоқат, синфий жангларда чиниққан Ленин партиясининг раҳбарлиги — барча ғалабаларимизнинг гаровидир.

Совет халқи янги йилни келажакка комил ишонч билан кутиб олмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети совет кишиларини янги йил билан самимий табриклайдилар ва сиз, азиз ўртоқларинг ҳаммаларингизга сиҳат-саломатлик, меҳнатда, ўқишда ва ижодда ўз планларингизни бажаришда муваффақиятлар ва катта зафарлар тилайдилар.

Янги йилга қадам қўяр эканмиз, социализм мамлакатларининг халқларига, қардош коммунистик ва ишчи партияларга, ишчилар синфига, меҳнаткаш деҳқонларга, илғор зиёлиларга, ёш миллий давлатларнинг халқларига, империализм ва мустамлакачиликка қарши курашаётган ҳамма кишиларга ўзимизнинг қизғин қутловларимиз ва дўстона истакларимизни йўллаймиз.

1969 йил тинчлик, демократия ва социализм кучлари учун янгидан-янги ғалабалар йили бўлсин, халқимиз учун коммунизм қурилишида янги-янги муваффақиятлар йили бўлсин!

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, бахт-саодат Сизга ёр бўлсин азиз ўртоқлар!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

1969

Бугун янги — 1969 йил ҳавоси билан нафас олмоқдамиз. Истиқбол тонгини хушнуд қаршилаган халқларимиз қалбида янги режалар завқ-шавқи, эзгу умидлар ёғдуси, яшаш ва ижод қувончи барқ урмоқда.

Биз дастгоҳлар ёнида, беполён далалар бағрида, илмий лабораторияларда, қурилиш ҳавозаларида, ёруғ дарсхоналарда, ҳамма-ҳамма ерда янги йилни янги қуч, янги илҳом билан бошлар экамиз. Шонли ўтилган йилни, унинг шарофатли натижаларини яна бир бор кўз ўнгимизга келтирамиз, миннатдорлик иҳлосиёти билан уни муборакбод этамиз.

1968 йилнинг натижалари беқиёсдир. Бу йилда улуғ мамлакатимиз коммунизм сари катта, салмоқли қадам ташлади. Саноатда юксак кўрсаткичларга эришилди. Қудратли комбинатлар ишга туширилди, миллион тоннадан кўп ҳосил кўтарилди, давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш йиллик планлари ошириб бажарилди. Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш юзасидан партия белгилаган вазифаларни амалга ошириш учун бошланган кураш кенг кўламда қизиб кетди.

Совет кишиларининг фаровонлиги узлуксиз ошмоқда, меҳнаткашларнинг реал даромадлари ўсди. Утган йили уй-жойлар, мактаблар, маданий-маиший муассасалар қуриш тағин ҳам кенг миқёсда авж олди.

Олимлар ва инженерлар, маориф ходимлари, адабиёт ва санъат усталари — барча совет зиёлилари ўзларининг илҳомбахш ижодлари билан совет фани, техникаси ва маданиятини ривожлантиришда янги чўққиларни забт қилдилар.

Бизнинг порлоқ идеалларимизни рўёбга чиқариш учун олиб борилаётган умумхалқ курашида совет хотин-қизларининг роли жуда катта. Корхона ва далада, лаборатория ва дарсхонада, давлат ва жамоат ишида — ҳар ишда ва ҳар соҳада уларнинг моҳир қўллари ва ақл-идроки самараларини кўриб турибмиз. Советлар мамлакатининг ёш бўғини уларнинг меҳрибонлиги ва қалб ҳаратидан, уларнинг сидқидилдан қилган эътиборидан баҳра олиб, камол топмоқда.

Совет ёшлари ота-боболарнинг улуғ революцион анъаналарининг, жангдаги ва меҳнатдаги шижоатининг муносиб ворислари бўлиб етишмоқдалар. Йигит ва қизлар завод ва фабрикаларда, қурилишларда ва колхоз далаларида ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар, билимларни қунт билан эгалламоқдалар, фан, техника ва маданият чўққилари сари кўтарилмоқдалар, кекса авлодлар улуғ ишининг изчил давомчилари бўлишга интилмоқдалар.

Ватанпарварлик ва интернационал бурчига содиқ бўлган, замонавий қудратли қурол ва энг янги техника билан таъминланган совет Қуролли Кучлари халқимизнинг тинч меҳнатини қаттиқ туриб муҳофаза қилмоқдалар, қардош мамлакатларнинг армиялари билан биргаликда ўзаро маданий ҳамкорлик байрамлари бўлиб тарихга ёзилди.

Утган йилнинг сўнгги ойида пойтахтимиз маданий ҳаётида яна бир қувончли воқеа бўлди. СССР Большой театри коллективининг Тошкентга келиши саҳна шинавандаларини бениҳоя хурсанд этди. Ўзининг ажойиб опера ва балет асарлари билан, порлоқ санъат юлдузлари, хушовоз қўшиқчилари, моҳир рақосалари билан дунёга шуҳрат таратган театрнинг тўла составда диёримизга ташриф буюриши унутилмас ғўзаллик шодиёнасига айланди.

Янги йил арафасида ўз ишини туғаллаган Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессияси партиямиз кўрсатмаларидан келиб чиқиб, республикамиз тараққиётининг актуал, муҳим масалаларини муҳокама қилди.

Мана энди янги йил орзулари билан яшамоқдамиз. Янги йил дастурхони атрофида ўтириб, истиқболнинг нурли тонгини шоду хандон, олий ниятлар билан қутлаганимизда, унга пешвоз чиққанимизда кўз ўнгимизда беполён уфқлар очилгандай бўлди.

Коммунистик қурилишнинг барча жабҳаларида яратувчилик фаолияти кенг қулоч отди. Бу жўшқин фаолият улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик тантаналарини меҳнат ва юксалиш ғалабалари билан кутиб олишга отланган совет халқларининг юрак амри, виждон йўриғи бўлиб, қалбларимизга даллиллик ва шижоат бағишламоқда.

Қадаминг қутлуғ бўлсин, шонли янги йилимиз!

МАРҲАБО!

Ҳамид ҒУЛОМ

Эҳе, чекн йўқ саҳро,
нурда порлаган ҳаво,
Шимол ғўзаларининг сийнасидай
оппоқ қор...
Сафарда йўлдош бўлдик тўрт
юртдош иттифоқо,
Ҳикмат бор-ку эл аро:
«чор ёр, анда маза бор».

Биримиз — Мирзачўлнинг
соҳибкор — деҳқони,
Иккинчимиз мактабдор —
машҳур педагог олим;
Учинчимиз — оловкор,
Газлида унинг кони;
Тўртинчи — мен, шўх шоир,
ғўзаллиқда хаёлим.

Поезд тебраниб борар онамиз
бешигидай.
Йилимиз мазмунига
ўзаро ясаб ҳисоб,
Ҳар биримиз ҳаётнинг
чинакам ошигидай,
Варақлаб бормоқдамиз кўнгилни
мисли китоб.
Мен чақнаган кўзлардан ўқийман
тийран маъно
Соҳибкорнинг ўйида — бу саҳро
истиқболи:

Сибирдан бурилса-ю
айқирса бунда дарё,
Гуркираб ўса қолса ўз совхозин
ниҳоли.

Педагогнинг кўзига кўринар
оппоқ бино,
Эшитилар қўнғироқ,
болаларнинг шовқуни.
Оловкор нигоҳида чақнайди
кўмкўк жило,
Қувурлар пайвандининг
сеҳрли оқ учқуни.
Менинг орзум будирки,
қутлуғ хонадонларга,
Тўйларга ҳофизлардай
куй билан кириб борсам,
Кошкийди, манзур бўлса
қўшиғим инсонларга,
Юракларга йўл топиб
мангу ўрнашиб қолсам.

Ширин ухлаб кўнгилни эркалайди
он сайин,
Чунки Янги йил яқин,
яқин нурли остона
Кўк арчамиз ёнида
тўкин дастурхон тайин,
Болалар атрофида жононамиз
парвона

Умрни отилган ўқ десалар ҳам
донолар,
Кутганда бир дақиқа
бир йилча нечар вазмин,
Ўйлаганда очилар тубда ётган
маъноолар,
Тафаккур билан инсон англайди
ҳаёт азмин.

Орзулар қанотида парвоз этайлик,
дўстлар,
Ахир, мақсад бўлмаса —
яшашнинг йўқ кераги.
Чамамда, ҳўв... чироқлар —
бизга интизор кўзлар
Пишиб етган неғ дала —
бунёдкорлар юраги

Улуғ умидга тўлиб очилади
тонг билан
Инсон ақли, қўлидан яшарган
янги дунё
Кремль минораси янграгган
чўғ бонг билан
Жаҳон инсонга дейди:
Янги йилга марҳабо!

30.XII.68 й.

«Москва—Тошкент» «Ўзбекистон» поезди.

ҲУРМАТ БОИСИ

Олмалиқ кимё заводи қурилишида

Расул Зокиров қариб 10 йилдан буён қурилишда меҳнат қилиб келяпти. У бинокорлик касбининг ўзига хос аччиғини ҳам, чучуғини ҳам татиб кўрган йигитлардан. Иш бўлишига қарамасдан, катта бир қурилиш участкасининг бошлиғи. Тўғри, у бу бахтга осонликча муяссар бўлган эмас. Андижонда 10-синфда ўқиб юрган кезларидаёқ севимли касбининг йўлини тутди. Кекса қурувчиларнинг суҳбатида бўлди. Улардан дастлаб теша ушлашни ўрганди. Аста-секин у-бу нарсаларни ясашга қўли келишадиган бўлди. Малакали бинокор бўлиб етишишни орзу қилди. Политехника институтининг қурилиш факультетига кириб, интиёзли тугатди. Уни Олмалиққа ишга юборишди. Йирик Олтинтопган кон-металлургия комбинати қурилишининг бошидан охиригача тер тўкиб меҳнат қилди. Капитал қурилиши бўлимида катта инженер бўлиб ишлади. Кейинчалик Олмалиқ кечки қурилиш техникумига директорлик қилди. Бир неча вақт «Алмаликсвинецстрой» трести партия комитети секретарининг ўринбосари ҳам бўлган. Яқинда бу ташкилотчи, тадбиркор йигитга яна бир муҳим вазифа топширилди. Иттифоқимиз қурилиш практикасида сира кўрилмаган муддат — бир йилда қурилиб ишга туширилдиган улкан химия заводи қурилишининг асосий — иккинчи қурилиш участкасига бошлиқ этиб тайинланди.

Участкада бешта комплекс қурилиши бригадаси бор. Уларнинг иккитаси коммунистик меҳнат бригадаси номини олган. Қариб 200 га яқин турли ихтисосдаги тажрибали қурувчилар ишлаяпти. Улар 85 минг сўмлик қурилиш ишлари бажаришга аҳд қилишган.

— Шу кунлардаги асосий вазифамиз ҳамма ишга туширилаётган объектларда йиғма темир-бетон ва металл конструкцияларни монтаж қилиш учун пойдевор ҳозирлаб қўйишдан иборат. Бу бинокор, лойиҳачи, кимёгарларнинг бир ёқадан бош чиқариб ҳамкорликда, ишни пухта ташкил этишларига боғлиқ. Участкамизда иш уч сменада ташкил этилди-ю, лекин қурилиш материалларининг ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги бизни ташвишлантиряпти. Баъзан оддий арматура ва темир-бетон буюмлари ҳам етмай қоляпти. Бунинг оқибатида қурувчиларимизнинг қимматли вақтлари бекорга ўтяпти...

Зокиров ҳақ гапирди. Унинг сўзларини коммунистик меҳнат зарбдорлари бетончи Нурматов, пайвандчи Аллаёров, арматурачи Жалолов, дурадгор Маматов ўртоқлар ҳам маъқуллашди. Ҳа, Расул ака кўпчиликнинг дилидагини топиб гапирди. У ҳамиша кўпнинг раъйи билан ҳисоблашади, унга ишонади, ақл ва тажриба билан иш тутади. Эл бахт-саодати йўлида садоқат билан қилинган хизмат ҳеч ҳисобсиз қолмаганидек у кўпчилик ҳурмат-эҳтиромига мушарраф бўлди.

Ҳ. ҚОДИРОВ.

Иш шаҳар — Олмалиқни металлургла шаҳри деб бежиз айтишмайди. Бу ердаги гигант кон-металлургия комбинати республикамиз саноати уфқининг порлоқ юлдузидир. Суратда: олтингугурт кислотаси цехининг умумий кўриниши.

А. Тўраев фотоси.

Асрлар қўйнига қадам ташлаймиз,
Кўзимизни тортар нурли истиқбол.
Қутлуғ янги йил ҳам ғалабамизни
Дунёга намойиш қилажак яққол.

Ғалаба қозониб ўрганган халқмиз,
Олам яшаради меҳнатимиздан.
Ерда ҳам, кўкда ҳам жумлаи жаҳон
Мардлик сабоғини ўрганар биздан.

Фазо эшигини очдик, юлдузлар
Яқинлашиб қолди маконимизга.
Ақлу идрокимиз, фанимиз билан
Ҳамнафас бўлолдик замонимизга.

УЙҒУН
Ўзбекистон халқ шоири

ЗАМОН БИЗГА БОҚАР...

Замон бизга боқар, вақт измимизда,
Қўлимиз етади узатган жойга.
Балки, янги йилда космонавтимиз
Биринчи бор бориб қўнгуси Ойга.

Ҳалол меҳнат қилдик йил бўйи тинмай,
Натижа: мўл ҳосил, ғалаба ва шон.
Елкада тўрт миллион тонна олтин юк, —
Янги йилга бўлар яхши армуғон.

Бахту саодатнинг, озод яшашнинг
Қадру қимматини билар халқимиз.
Уруш деганларининг оғзига уриб,
Тинчликни ҳимоя қилар халқимиз.

Янги йилда бахту зафарга тўлсин
Гўзал юртимизнинг ҳар он, ҳар куни.
Саломатлик тилаб ватандошларга
Қадаҳ кўтарамиз янги йил туни.

Қадаҳлар жаранги фалакка етиб
Янги бахтимизнинг мадҳини сўзлар.
Умид, ишонч билан янги йил тунги
Яна истиқболга тикилар кўзлар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Вьетнам Демократик Республикасига халқ хўжалиги юкларини етказиб бериш соҳасидаги топшириқларни муваффақиятли бажарганлиги ва ана шу топшириқни бажариш вақтида кўрсатган мардлиги учун СССР Олий Совети Президиумининг 1968 йил 30 декабрь фармонига биноан СССР Денгиз флоти министрлиги кемаларининг бир группа денгизчилари СССР орден ва медаллари билан мукофотланди.

«Туркистон» теплоходининг мотористи И. Д. Земцев, «Брянский рабочий» теплоходининг старший мотористи В. И. Московенко, «Туркистон» теплоходининг электромеханиги марҳум Н. Н. Рибачук, «Аргус» қутқарув кемасининг старший боссвоси марҳум Ю. В. Терехов, «Александр Грин» теплоходининг боцмани марҳум В. Г. Хуторской ва «Бакуриани» теплоходининг капитани В. Я. Цевшук Ленин ордени билан мукофотландилар.

30 киши Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, 50 киши «Ҳурмат белгиси» ордени билан ва бошқалар эса медаллар билан мукофотланди. (ТАСС).

ПОЙТАХТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШ АРХИТЕКТОРИ ЎРТОҚ Ф. ТУРСУНОВ ТОШКЕНТ ИСТИҚБОЛИ ТЎҒРИСИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ:

Зилзиладан кейин шаҳримиз тез суръатлар билан қайта қурила бошлади. Ҳозир пойтахтимизга келган меҳмон шаҳримиз қиёфасини кўриб асло танимайди. Кварталлар, янги қурилиш массивлари бунёд этилдики, бу шаҳар қурилишига ёрдамга келган қардош республика азаматларининг меҳнат мевасидир.

Шаҳримизда қурилиш яна давом этади. 1965 йилга қадар йилига 350-400 минг квадрат метр уй-жой қурилаётган бўлса, ҳозир 1 миллион квадрат метр уй-жой майдони фойдаланишга топширилмоқда. Беш йиллик план бўйича 1970 йилгача 6 миллион квадрат метр уй-жой қурилиши мўлжалланган.

1969 йилда шаҳар қурилиши икки навбатда олиб борилади. Биринчи навбатда шаҳарнинг марказий қисми қуриб битказилади. Марказий қурилиш зонасида асосан маъмурий-хўжалик бинолари қад кўтаради. Спорт комплекси, хиёбонлар қуриш ҳам кўзда тутилади.

Ҳар бир қурилиш комплекси атрофида ям-яшил зоналар бўлиб, бинолар мана шу яшил боғ-роғлар орасида «оролдек» бўлиб туради. 1980 йилга бориб, шаҳарда жон бошига 30 квадрат-метр яшил зона тўғри келади. Шунга яраша водопровод, ариқ-зовурлар ҳам қазилмоқда. Ҳозир жон бошига 400-500 литр сув тўғри келаётган бўлса, 1980 йилга бориб 700 литрга етади. Пойтахтимизнинг ўзида ва шаҳар атрофида 65 гектар яшил зона, 25 минг гектар боғ ташкил қилинади.

Шаҳримизда қўқаватли бинолар қурилиши кўлами 10 процентдан ошмайди.

Монументал ва уникал бинолари қуришда миллий меъморчилик санъатидан фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда. Яқиндагина фойдаланишга топширилган республика Билим уйи, қадимий архитектура анъаналарига ва ҳозирги замон архитектурасига амал қилиб қурилган.

Бош планда шаҳар марказида, шунингдек массивларни туташтирадиган кенглиги 80-140 метрли равон кўчалар очиш мўлжалланган. Дружба проспекти, Самарқанд дарвозаси, Черданцев, Титов номли кўчалар 1970 йилгача жуда ҳам гўзал қиёфага киради.

Пойтахтнинг Октябрь ҳамда Ҳамза районларида маҳалла типидаги микрорайонлар барпо этиш кўзда тутилмоқда. Бу иш билан эксперимент лойиҳалаш Тошкент зонал илмий-текшириш тадқиқот институти мутахассислари шуғулланмоқдалар.

Янги йилдан бошлаб шаҳар аҳолиси яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи бўлади. Пойтахтимизда метро қурилиши бошлаб юборилади.

БУХОРО ОБЛАСТИ. Мурунтовдаги олтин саралаш фабрикаси қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилаётир. Қалби меҳнат завқи билан жўшган қурувчилар шу кунларда ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаётирлар. Суратларда: (юқорида) фабрика қурилиши, пастда эса тикланиб қолган фабрика корпусларидан бири.

А. Усмонов фотолари.
(ЎзТАГ фотохроникаси).



НУРЛИ ОҚШОМЛАР

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЖАМОЛИ

Икки тарафида Ильич нурлари порлаб турган чароғон кўчадан боряпман. Қишлоққа оқшом қўнганига анча маҳал бўлган бўлса ҳам, ҳамма ёқ одамлар билан гавжум эди. Кўпчилиги йигит-қизлар. Уларнинг чеҳраларида шодлик ва қувонч ҳислари барқ уриб турибди. Улар бир-бирлари билан саломлашганларида: «Янги йилингиз билан!» деган илиқ, самимий сўзларни такрорлашади.

Қишлоғимизда камтар, меҳнатсевар кишилар жуда кўп. Боқи Ҳамроев ҳам ана шундай одамлардан. У қишлоқ ободончилиги йўлида кўп ишлар қилган. Янги мевазор боғлар барпо этиш, йўллар, кўприклар қуриш ишида ташаббус кўрсатган. Қишлоғимиз ҳуснига ҳусн қўшиб турган клуб, кинотеатр, маданият ва истироҳат боғи, болалар боғчаси, касалхона, дорихона ва бошқа маданий-маиший бинолариннг барпо этилишида ҳам Боқи аканинг ҳиссаси бор. У кўп йиллардан буён Охунбобоев номли колхозда деҳқончилик маданиятини кўтариш, пахта ҳосилдорлигини ошириш йўлида самарали меҳнат қилаётир. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Боқи Ҳамроевнинг хизматларини муносиб тақдирлади. Унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди. Қишлоғимизда унга ўхшаш сергайрат, камтар, қишлоқ чаройини очаётган депутатлар кўп. М. Ҳалимов, Ҳ. Қиёмов, М. Ҳафизова, Ҳ. Қурбонов синтари ўнлаб депутатлар қишлоқ ҳуснига ҳусн қўшиш, меҳнаткашлар турмуш маданиятини кўтаришда зўр жонбозлик қилмоқдалар.

Беш йилликнинг учинчи йилида 10 километр йўлга асфальт ётқизилди, юздан ортиқ янги уй-жой бинолари қурилди. Касалхона, маиший хизмат уйи ишга туширилди. Мактабларнинг синфхона ва лабораториялари кенгайтирилди. Ободончилик ишларига ажратилган маблагга яна қўшимча 5 минг сўм сарфланди.

Янги йил оқшомида қишлоғимиз жамолига боқарканман қуйидаги қайноқ сатрларни дилимдан ўтказаман: «Бундан буён ҳам ленинчасига ишлаб ва яшаб, Владимир Ильичга муҳташам ҳайкал қурамиз...» КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарорида баён этилган бу фикрлар қишлоғимиз меҳнаткашларининг орзуларига мос бўлиб тушади. Биз 1969 йилда ҳам улуғ доҳий орзу қилганидек яшаймиз ва меҳнат қиламиз. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида эришган ҳамма ютуқларимизни улуғ Ленинга, унинг шонли юбилейига бағишлаймиз.

Ҳозирги бақтда қишлоғимиз бош план асосида қайта қуриляпти. Илгариги 20 дан ортиқ тарқоқ, майда қишлоқлар ўрнида иккита йирик колхоз поселкаси барпо этилади. Бу тадбир хонадонларда электр энергияси, табиий газ, водопровод ва бошқа имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш имконини беради. Денов қишлоқ Совети қошида 9 та доимий комиссия мавжуд. Улар атрофига 70 дан ортиқ депутат уюшган. Қишлоқ қурилиши масаласи депутатларимизнинг диққат марказида турибди. Ҳозирги вақтда улар қўл урмаган соҳа йўқ. Бу албатта маҳаллий Совет депутатларининг ҳуқуқ ва бурчлари кенгайиб бораётганидан далолат беради. Эндиликда қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовут йўқолиб бормоқда. Колхозчилар «зангори олов»дан фойдаланмоқдалар. Телевизор, радио, замонавий мебелларни ҳар бир хонадонда кўрасиз.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми, яқинда ўз ишини тамомлаган Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессиясида қишлоқ Советлари олдида турган энг муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Халқимизда қиш бекорчилик эмас, деган ҳикматли гап бор. Буни яхши тушунган деҳқонларимиз барча экин майдонларини сифатли шудгор қилдилар. Далага кўплаб маҳаллий ўғитлар чиқариляпти. Ариқ-зовурлар тозаланаётир. Янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонларини кенгайтириш ишлари қизитиб юборилган.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам пахтадан мўл ҳосил кўтариш тараддудини кўряпмиз. Мўл ҳосил қатта даромад келтиради. Олинган даромаднинг маълум қисми қишлоқ ободончилигига сарфланади.

Қишлоқда янги йилнинг оппоқ тонги, истиқбол, бахт, иқбол тонги отяпти. Янги йил қишлоғимиз ҳаётида, унинг меҳнатсевар кишилари тақдирида чуқур из қолдиради.

О. МУМИНОВ,
Бухоро область, Шофиркон районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси, район Советининг депутати.

ОФАРИН

Эсимни танибманки, деҳқончилик қилиб пахта етиштираман. Колхозда кетмон чопдим, суғчилик қилдим, пахта тердим. Правление ва партия ташкилоти қайси ишни топширса бажардим. Мана қариб ўн йилдирки, механизаторлик қиляпман. Дастлаб «СХМ-48», «ХВС-1,2» терим машиналарини бошқардим. Уша кезларда бир машинанинг иш унуми 50-55 тонна эди, обиҳаво қулай келган йилда 70 тоннагача пахта терганман.

Сўнгги йилларда пахтачилик ишини машиналаштиришда инқилоб қилинди. Деҳқонинг оғирини енгил, узоғини яқин қиладиган янги машиналар яратилди. Шулардан бири «Ўзбекистон» номи билан аталган 4 қаторли машинадир. Бу машинада бир кунда 10 тоннагача пахта тердим. Мавсум нормасини бир ярим ҳисса ошириб бажардим. Шундай ажойиб машинанинг ижодкорлари — олимлар, конструкторлар, инженер-техникларга янги йилда янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик тилайман. 1969 йилда Хоразм областининг унумдор пахта далаларида 4 қаторли машиналар кўпайсин, унинг ёнига 6 қаторли машиналар қўшилсин, деган ниятим бор. Биз шу машиналар билан парвоз қилиб, келгусида республикамиз бўйича осмон ўпар «оқ олтин» хирмонларини яратамиз.

У. НУРУЛЛАЕВА.

Қўшкўпир районидаги «Тошкент» колхозининг республикада хизмат кўрсатган механизатори.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Бугун беш йиллик топшириқларни муваффақиятли бажарилаётганлиги ҳақида баъзи рақамларни таъкидлаш, айниқса мароқли.

● Кейинги уч йилда республикамизда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1965 йилдагига қарагандa 24,4 процент кўпайди.

● Шу даврда халқ хўжалигини ривожлантиришга капитал маблаг сарфлаш 42,8 процент ортди.

● Меҳнат унумдорлиги уч йилда 13 процент кўтарилди.

● Аҳоли жон бошига олинадиган реал даромадлар 29 процент ошди.

● Давлат ва кооператив ташкилотлари томонидан жами саҳни салкам 6,8 миллион квадрат метр, яъни олдинги беш йилликнинг уч йилдагига қарагандa 3 миллион квадрат метр кўп уй-жой бинолари, анчагина коммунал ва маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди.

● Кейинги бир йилда автомобиль транспортининг юк оборoти 8 процент кўпайди.

● Бу йил ўтган йилдагига қарагандa капитал қурилиш ҳажми 8 процент ошмоқда.

● Республикага қарашли корхоналарда уй-жой қурилишига сарфланадиган капитал маблаг беш йиллик тўртинчи йилида ўтган йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўп бўлади.

● 1969 йилда нефть қазиб чиқариш 1750 минг тоннага, табиий газ қазиб олиш қариб 30 миллиард кубометрга, кўмир қазиб чиқариш 4200 минг тоннага етказилади.

● Энергетика тез суръатлар билан ривожлантирилади. Бу йил электр энергияси ҳосил қилиш ўтган йилдагига қарагандa 10,5 процент кўпаяди.

● Пахтачилик учун тўрт қаторли терим агрегати ишлаб чиқариш ўтган йилги 1,7 мингтадан бу йил 4,5 мингтага кўпайтирилади.

Умр зийнати

Зирабулоқ, Мирбозор, Зиёвуддин, Султонобод Самарқандининг энг қадимги қишлоқларидан ҳисобланади. Султонободда амирнинг боғи бўлган. Қўшқават бинолар, соя-салқин ва ўртасидан бир тегирмон сув оқиб турган бу боғнинг тарихи узоқ-узоқларга таралган. Амирлик емирилгач, бу қишлоқлар асосида йирик район ташкил топди. Нарпайнинг Зарафшон дарёсидан суғ оладиган жойидан тортиб, Султонободгача бўлган ердар шу районга қарарди. Кенг водий бўйлаб 35 қишлоқ совети ташкил топди. Ҳали қишлоқ советлар мустаҳкамланмаган, янги тузум қурашчилари билан қулоқ ва руҳонийлар ўртасида қизиқ кураш давом этаётган 1928 йили Аҳмад Ҳўжаев Нарпай райкомининг секретарлигига сайланди.

Худди шу йили Нарпай каналини кенгайтириш масаласи кўтарилиб, алоҳида «Нарпайстрой» ташкилоти тузилди. Бир ёқда канални кенгайтириш, бир ёқда коллективлаштириш. Хуллас, район олдида жуда муҳим ва масъулиятли вазифалар кўп эди. Секретарь шу боисдан ҳам тинмай тинчимасди. От миниб қишлоқ кезгани-кезган. Бир куни Кунжупай қишлоқ советига бориб қолди. Тўғри идорага кирди. Ҳонада одам кўп эди. Салом-алик қилмай туриб шовқин кўтарилди.

— Райком, — деди ҳонадагилардан бири, — биз колхоз бўлмаймиз.

— Мол-мулкимизни бекорга бирлаштирмаймиз,— деди иккинчиси. Булар Кунжупайнинг «оғзи катта»лари бўлиб, бирининг қўш тегирмони, бирининг икки мойжувози, қўша-қўша ҳўкизлари, қанчадан-қанча асаларисиб эди. Секретарь қишлоқ аҳли билан узоқ суҳбатлашди. Колхоз тузумининг афзалликлари, истиқболини айтиб берди. Бўлмади. Улар бошқа йўл тутдилар. Секретарь ҳам бўш келмади. Коллективлаштириш партиямизнинг бош сиёсати эканлигини қатъият билан тушунтирди.

Хуллас, коммунист ва комсомолларнинг, қишлоқ активларининг ҳаракати билан коллектив хўжалик қарор топди. Унга «Қизил қўшин» номи берилди. Мирбозор ва Султонобод, Зирабулоқ ва Зиёвуддин атрофларида ҳам кескин синфий кураш вазиятида колхозлар ташкил топди. Зарафшон округи бўйича Нарпай районидаги деҳқонлари орасида биринчи бўлиб, коллектив хўжалик тузишда Аҳмад Ҳўжаевнинг ҳиссаси катта бўлди.

Аҳмад ака райком секретари бўлганга қадар ишчи-деҳқон қизил армияси сафларида хизмат қилиб чиниққан, катта ҳаёт йўлини босиб ўтган эди. У 1917 йили жанговар қизил гвардия отрядига қўнгилли бўлиб кириб, 1920 йилга қадар Тошкент ва Чимкентда хизмат қилди. 1918 йили Коммунистик партия сафига қабул қилинди.

1920 йили Қиргизистонда, сўнгра Тошкентда хизмат қилди. Ҳарбий қисмларда батальон комиссари вазифаларини ўтади. В. И. Ленин вафот этган кунларда Тошкентдаги мотам митингида нутқ сўзлади. Ўша ўтли йилларда босмачиларга қарши курашнинг энг муҳим участкаларида турди. Октябрь ғалабаларини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар озодлиги учун курашда актив қатнашди.

Колхоз тузумининг ташкилотчиси партия солдати Аҳмад Ҳўжаев 1933—34 йиллари Москвадаги Свердлов номли коммунистик университетда ўқиди. Ўқишни тугатгач, Ўрта Чирчиқ район МТС сиёсий бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади. МТС хизмат қиладиган хўжаликларда катта ташкилий-сиёсий ва тарбиявий ишлар олиб борди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Аҳмад Ҳўжаевни сиёсий бўлим бошлиғидан Ургут райкоми секретарлигига тавсия этди. Тўрт йил шу лавозимда ишлаб, кейин экономикаси заиф бўлиб қолган «Штаб» колхозига раислик қилди. Уни райондаги илғор хўжаликлардан бирига айлантирди.

Кекса коммунист Аҳмад Ҳўжаевни Самарқанддаги Жўма посёлкаси аҳолиси яхши танийди. У шу ерда «Стахановчи» ҳунармандчилик артелига раис бўлган. Пайариқ районида эса бирмунча вақт агроном бўлиб ишлаган. Хуллас, Аҳмад Ҳўжаевни партия қаерга юбормасин, ўша жойда яхши хотира қолдирган, ишчанлиги, софдиллиги, айни пайтда талабчанлиги билан кенг меҳнаткашлар оммасининг ҳурматига сазовор бўлган.

Бир неча йил райкомнинг биринчи секретари, Улуғ Ватан уруши йилларида колхоз раиси бўлиб ишлаган Аҳмад ака Ҳўжаевни ургутликлар ғоят иззат-ҳурмат қилишади. Унинг ўзи ҳам об-ҳавоси Кавказдек Ургутни севади. 18 йилдан бери шу районда хизмат қилиб келади. Район совети ижроия комитети Аҳмад Ҳўжаевга «Ургутнинг фахрий граждани» деган фахрий ном берди. Улуғ Октябрнинг 50 йиллигида Ленин ордени билан тақдирланди.

Аллақачон пенсия ёшига етган бу табаррук инсон райондаги хўжалик ва сиёсий ишларда фаол қатнашиб келмоқда. Шу байрам кунида республикамизнинг энг кекса коммунистларидан бири, ярим асрдан бери Ленин партиясининг вазиси деган номга гард юқтирмай келаётган Аҳмад Ҳўжаевга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИДА...

РЕПОРТАЖ

БАРЧА орзиқиб кутган қутлуғ кеча — янги йил кечаси яқинлашиб келмоқда. Яна бир неча дақиқалардан сўнг сермазмун ўтган эски — 1968 йил билан хайрлашамиз, ўтган қувончли воқеаларни, баракали меҳнатни, совет оиласига бахт ва саодат келтирган онларни эслаб кетамиз.

Мана соат миллари ҳам ўн иккига яқинлашиш арафасида турибди. Дўстлик ва саломатлик, бардамлик ва гўзаллик, янги йилда бахтли ҳаёт учун кўтарилган қадаҳларнинг жаранги эшитилади, радио ва телевизордан шўх куйлар ва қўшиқлар янграйди. Ёнингиздаги ўтирган хонандалар ажойиб ҳаётимизнинг гўзаллигини, муҳаббатни куйлайди, сизга ороз бағишлайди.

Аммо, мана шундай хурсандчилик кечасида меҳнат қилаётган, ўз постида серғак турган кишиларни кўпчилигимиз ёддан чиқарамиз. Ваҳолонки, шу кечада — улуғ айём кечасида тўкин ва кўркам безатилган дастурхон атрофида кўпчилик кишилар етишмайди.

МАНЗИЛИНГИЗГА ТЕЗ ЭЛТИШАДИ

КЎЧАЛАР, ойдин ва тиниқ кўчалар. Янги йил кечасида ҳам ҳар кунгидек ҳаёт қайнайди. Аммо ҳамма манзилгга тезроқ етиб олишга ошиқади. Серқатнов кўчада инженер ва ишчини, олим ва оддий хизматчининг уйига шошаётганини кўрасиз. Ана шу оқшом кунида фаровон кўчада ғизиллаб ўтиб турган трамвай, троллейбус ҳамда автобусларнинг ҳайдовчиларигина сергак. Улар янги йилни иссиқ уйларда, ёр-дўстлар атрофида кутиш ўрнига шаҳар меҳнаткашларига сидқидиллик билан меҳнат қилмоқдалар.

— Шошилмай чиқаверинглар, — дейди вагон вожатийси. — Манзилларингизга бир зумда етказиб қўямиз.

— Янги йил байрамингиз билан, — дейишади йўловчилар.

Ана шу оддий касб эгалари меҳнат қилишмоқда, янги йилни кутишга шошилаётган дўстингиз ёки қадрдонингизни, қариндошингиз ёки ининги-зини сизнинг ёнингизга тез етказишга ҳаракат қилишади.

— Янги йилда ўтар кечасида трамвай, троллейбус бошқармаси ҳаракатлар хизмати инженери В. Гугнин билан телефон орқали боғландик.

— Янги йил кечасида қанча киши ишламоқда?

700 дан ортиқ хизматчимиз навбатчилик қилиб, йўловчиларнинг хизматида туришибди.

Такси машиналарини айтмайсизми! Кўмкўк кўзли ёлдай учиб бораётган бу машиналар аҳолини манзилига тезроқ етказишга шошилишяпти.

Шаҳар таксимотор бирлашмасининг бош директори М. Левиннинг биз билан суҳбатда айтишича, биринчи январга ўтар кечаси икки мингга яқин енгил машина тунги учага ишлайди. Икки юз машина эса янги йилни кутиб, уйига шошаётганларни эрталабга ча элтиб қўяди.

МАРҲАМАТ, ГАПЛАШИНГ

СОАТ ўн иккида бонг урди. Йиғилганлар бир-бирларини табриклашди. Айрим кишилар ана шундай пайтларда бошқа шаҳардаги дўст-ёрларни табриклаш иштиёқида бўладилар. Шунда телефон қулоғини кўтариб, 05 ва 07 номерларни терсангиз қўли-қўлига тегмаётган телефонистка-лар сизни истаган шаҳар билан боғлайди, ёр-дўстингизни чин юракдан табриклайсиз.

Ҳурматли газетхон, янги йил кунлари ана шундай тунда ишлаётган кишиларни бир ёд этиб, уларга сиҳат-саломатлик тиласак, шарафли ишларига муваффақият тиласак кўнгилдагидек бўларди.

ДАСТУРХОНИНГИЗНИ БЕЗАШЯПТИ

ЯНГИ йил кечасида магазинлар сал эртароқ беркилади. Ресторан ва ошхоналарчи?

Ресторанлар трестининг директори Р. Мирзаев қуйидагиларни айтиб берди:

— Биз касбимизни севамиз. Янги йил кечасини, байрам кунларимизни ҳўрандаларни мамнун қилиш иштиёқида ишлаймиз. Меҳнаткашлардан икки минг киши, шунингдек, кўпгина меҳмонлар янги йилни ресторанларда кутиш истагини билдиришди. Юзлаб официант ва пазандалар ўз ҳўрандаларини хурсанд қилиш учун эрталаб соат бешгача қўллари-қўлларига тегмай хизмат қилишди.

ШИФОКОРЛАР

Бу биргина сўзда қанчадан-қанча маъно ётибди. Байрам кунларида ҳам, янги йил кечаларида ҳам тоби қочган кишиларнинг кўнгироғи шифокорларни хушёр туришга ундайди. Касалхоналардаги беморларга ҳам қанчадан-қанча шифокорлар мижжа қоқмай қараб туришади.

— Янги йилда янги инсонининг дунёга келишидек қувончли ва бахтли воқеа бўлмаса керак, — деди шаҳар «Тез ёрдам» медицина станцияси бош врачи Ф. Комилов. — Шунингдек, бирон бир кишининг беваҳт касалланиб қолиши ҳам содир бўлиб турадди. Биз янги йил кечасида зийрак ва хушёр турсак, тез ишласак инсонларни бахтсиз ҳодисалардан сақлаб қоламиз. Шу куни туғилиш бўлса-ю, касалланиш бўлмаса биз жуда мамнун бўлардик.

В. МАҲКАМОВ.

ЯНГИ ҒАЗАЛЛАР

Собир АБДУЛЛА
Ўзбекистон халқ шоири

МЕҲНАТ БИЛАН

Соатингдек умр чархи айланур суръат билан,
Айланиб, кош, қайта келса ёшлигинг, фурсат билан.
Лек, ўтган умр учун чекмоққа афсус но ўрин,
Шукр қилким, чекмадинг ғам бир дами ғурбат билан.
Уз элу юртингда бўлмоқлик азизу мўътабар,
Қанча фахр этсанг ярашгай бу улуғ давлат билан.
Ишлар базмини қўмсар бўлса кўнглинг, не ажаб,
Эсламоқ ёшликни хушдир, кенса тўрт улфат билан.
Йил ўтиб, бўлгач кумуш ранг бошдаги ҳар тола соч,
Шўхлар базмига кирмоқ мушкул ул суврат билан.
Кўз шафақ, юзда ажин, қомат букик!.. Аммо кўнгил —
Бир текис тепгай ҳамиша завқ билан, журъат билан.
Нозанин қизлар қиё ташланг назар кўнглим учун,
Эй йигитлар, руҳ бағишланг бир ширин суҳбат билан.
Еш эдик биз ҳам сизингдек, навқирону баркамол,
Ваҳт етиб, биздек бўлурсиз гал билан, навбат билан.
Шодмен ҳам бахтиёрман, умрбод ободмен,
Доимо лаббайга ҳозирмен, тани сиҳҳат билан.
Собиро, ўксинма кексайдим дебон, мендек қувон,
Мен каби пирий бадавлатсен азиз меҳнат билан.

ЯНА МУҲАББАТ ҲАҚИДА

Уз кўнгил, то ул кўнгилдан сенга дилбар бўлмаса,
Тилда дилбар бўлса ҳам, кўнгли баробар бўлмаса.
Учма зеб-зийнатларига, қалбига солгил қулоқ,
Занг олур мисдек, агар мазмунида зар бўлмаса.
Этма тенг хуршид билан ёр ҳуснини, эй булҳавас,
Урма оқ сўнг, меҳридан кўнглинг мунаввар бўлмаса.
Бўлса ёр кўнгли билан сенга: уни сен ёр бил,
Ахд ила паймонида турса, фусуғгар бўлмаса.
Тўсма ишқ эркини, аммо бўл кўнгилга эҳтиёт,
Қўрқамен, ул севгани бир нозпарвар бўлмаса.
Кетса ташлаб, юз буриб; дейдир ани эл бевафо,
Юз ўгурса, айтгани бир кун муяссар бўлмаса.
Учрагай мағлубиятга, ўйнаб ишқ бир нечалар,
Бу нечун мардликки, ишқида музаффар бўлмаса.
Бир кўриб, «Мажнун»га айланган йигитдан доғмен,
Ногиҳони «ишқ» ила ёнмоқда ахгар бўлмаса?!..
Шарт эрур ишқ ўйнамоқда имтиҳону интиҳоб,
Қўй уни, ақлу фаросатда агар пар бўлмаса.
Собиро, бас айла носиҳликниким, ҳақ сўз будир:
Ким адашмас йўлда, идроқ анга раҳбар бўлмаса.

△ △

ТУРОБ ТУЛА

ТУЙМАДИНГ, ТУЙГИН

Санам, айтолмадим кўнглимда борни, туймадинг, туйгин,
Узуқ ҳам қонталаш бу қалб торин туймадинг, туйгин.
Юрақ даргоҳига кирдинг, дафинам ихтиёрингда,
Сенга топширди у бор ихтиёрин, туймадинг, туйгин,
У илҳақ бир табассум, бир таманно эзтиборингга,
Ололмас сендин у ҳеч эзтиборин, туймадинг, туйгин.
Кўнгил ёнмоғи осон, ўчмоғи ҳаргиз маломатдир,
Ёнур дарднинг билан, ювгай ғуборин, туймадинг, туйгин.
Кўнгил тенглик билан бор, тенг ёнур, тенг ўртанур билсанг,
Наҳотки туймасанг кўнгил қарорин, туймадинг, туйгин!
Мисоли қил уза учрашмоғи ростдир кўнгилларнинг,
Унутма эҳтиётсизлар шиқорин, туймадинг, туйгин.
Не қилсанг, қайда бўлсанг, ҳеч қутулмассан хаёлимдан,
Хаёлим ваъда этмиш бахт нисорин, туймадинг, туйгин.

МУСОҲАБА

Қаро тун дейдилар гарчи араб назлида лайлони,
Нечун у бўлмасин суҳбат уйин шамъи шабистони?
Азалдин дейдиларким, дард-алам тимсолидир лайло,
Нечукким тиргузармуш йўқса Лайлю номи шайдони?
Муҳаббат кўйи дергар Лайли кўйи, Лайли саадоси,
Нечун мажнун аталмуш унда ошиқларнинг султони?
Малика дейдилар ишқ мулкига Лайлони, аммоким,
Ким у ечгай ягона бўлмаса мажнун, муаммони?
Инкозат бўлса бергум ечса ким бу чўнг муаммони,
Сотилган бўлса ҳам бир ваҳт Самарқанду Бухорони.

1968 йил Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози учун ҳам баракали бўлди. Пахтадан юқори ҳосил етиштирилди. Суратда: тракторчи Б. Ёдгоров (чапдан) ва механик Н. Омонов ўртоқлар янги режалар тўғрисида суҳбатлашяптилар.
А. Ҳоданов фотоси.

Коммунист Д. Жонузоқов янги йилда ҳар 100 совлиқ ҳисобига 200 тадан ошириб қўзи олишга сўз берди. Суратда: Бухоро областидаги «Гиждувон» совхозининг чўпони Д. Жонузоқов.
А. Усмонов фотоси.

Тошкент химия-фармацевтика заводи ишлаб чиқараётган дори-дармонларни бирмунча иттифоқимизда эмас, ҳатто ўттиздан ортиқ хорижий мамлакатларда ҳам ихлос билан олишаётир. Суратда: заводнинг илғор аппаратчиси И. Мадраҳимовни иш устида кўриб турибсиз.
М. Баржанов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

КОНЧИЛАР СОВҒАСИ

Ўзбекистон кўмир қазувчилари янги йил шарафига пландан ташқари қазиб чиқарилган ёнилғи ортилган етмиш эшелонни жўнатадилар.

Планга қўшимча қазилган кўмирнинг қарийб ярми Александр Мишченко раҳбарлик қилаётган кўмир разрези участкаси ҳисобига тўғри келади. Хўжа Алиқуловнинг экскаватори 10 кундан бери пландан ортиқча кўмирни ортмоқда.

«Ўзбекуголь» корхоналарида ўтган йилда анчагина янги техника жорий қилинди. Оҳангарондаги 9-шахтада бир неча-кундузда 600-700 тонна кўмир қазиб чиқарадиган «Тула» биринчи кўмир комбайни ўзлаштирилди. Ҳозир тағин иккита шундай комбайн келтирилди. Кўмир разрезида саралаш фабрикаси монтаж қилинмоқда. Бу фабрика шу ерда қазиб чиқариладиган кўмирнинг ҳаммасини саралай олади. Шарғун брикет фабрикасида бир йил мобайнида меҳнат унумдорлиги 1,5 баравар ортди ва бир неча-кундузда ишлаб чиқарадиган маҳсулот ҳажми жиҳатидан лойиҳада кўзда тутилган қувват даражасига етиб қолди.

ЧУДНАЯ ТУҲФАСИ

Ўзбекистон илмий-тадқиқот чорвачилик институти «Красний водопад» экспериментал базасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Ивановна Чуднал бошлиқ чорвачилик бригадаси икки юз бош сигирдан ўтган йили 700 тонна сут соғиб олди. Бу рақам — Ўзбекистон учун энг юқори кўрсаткичдир.

«Красний водопад» базасида А. И. Чуднал раҳбарлик қилаётган илғор тажриба мактаби етти йилдан буён ишлаб турибди. Ана шу ваҳт мобайнида бу мактаб сигирларни соғишни механизациялаштириш ва арзон сут етиштириш усталаридан қарийб 1,5 минг кишини тайёрлаб берди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон Компартияси Андижон область Қўрғонтепа район комитетининг биринчи секретари Қўчқор **Авазматов** партия ва совет органларида кўп йиллик самарали хизмати учун, туғилганига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Наманган область Чуст район комитетининг биринчи секретари Мамаражон **Бобохонов** партия ва совет органларидаги кўп йиллик ҳалол хизмати учун, туғилганига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ТАМА

Мумтоз МУҲАМЕДОВ

(ҲАЖВИЯ)

Хонтўраев ишга мўлжалидан олдинроқ келиб, савлат тўкиб ўтирарди, эшик тақиллади. Ким экан дея паришон бўлди. «Наҳотки қабулхонамда ҳечким бўлмаса? Котибани нима жин урди? Келди-кетди билан муомала қилиш ўрнига...»

Эшик созланмаган дутордек ҳамон бир маромда тақиллай бошлади. Хонтўраевнинг ғаши келди. Афтидан, эшик қоқаётган одам, ўзи бошлиқ бўлган трестнинг ходимимас, бошқа бирор ташкилотдан келган одоблироқ, раҳбарнинг қадр-қимматига етадиган, шинаванда киши...

Салмоқланиб ўрнидан турди. Ингичка, чиллакка ўхшаш узун гавдасини ростларкан, эшик томонга қараб овоз берди: «Марҳамат!»

Эшик тақ этиб юзига очилди. Кўз таниш, пакана, думалоқдан келган кишининг афти кўринди. У таъзим қилганча Хонтўраевнинг истиқболига югуриб келди. «Хўжайиндан бир дунё дуойи салом» деб қўлидаги кўк конвертни у ўтирган стол устига суриб қўйди. Хонтўраев «дуойи-саломни» чалғиш эшитгандек, анқовсирай бошлади. Кишига сир бой бермай, «хўжайин овора бўлиптиларда» деб илмоқли гап қилди.

Хонтўраевнинг равиши кишига ғалати туюлди, ранги ўчиб, авзойи ўзгарди. Унинг гўл-гўлона қараб туришидан таажжубланди. Ўртадаги сукутни савол билан кўтарди.

— Қалай, омон-эсон юриптиларми? Болачақа, эчки улоқ, қозон-товоқ дегандай..

Кутилмаган савол Хонтўраевга далда берди: киши гапини оғзидан илиб, ёқасига ёпиштирди.

— Болалар ҳам, эчки-улоқ ҳам, қозон-товоқ ҳам жойида. Фақат чақа...

Гапи бўғзида чала қолганидан кишининг таъби олинди. Хонтўраевнинг чақа таъми қилганидан хижолат тортди, изтироб чекди. Кейин ўзини ўнглаб олди-да, тез-тез очилиб-юмилиб турадиган кўзларини Хонтўраевга тикди:

— Хўқанда сизни яхши кутолмадик. Хафа бўлмай қайтдиларми?

Хонтўраев хушёр тортди. Усмоқчилаб сўради:

— Қайси Хўқанд? Республикамизда шунақа жой борми.

— Қайси Хўқанд бўларди. Уша ўзингиз билган ва кўрган Хўқандда.

— Эй, домла Фурқат, Муқимий, Завқий, қолаверса Ҳамзахонларнинг шаҳри азими Қўқон денг?

— Ҳа, балли, асли оти Хўқан, янгичасига Қўқон дейишади.

Еган оғиз уялар, Хонтўраев гапнинг тўғрисига кўчиб қўя қолди.

— Балли, жаноблариии энди танидим. Ҳалиги йигирмата қалампир солиб, девзирадан ош қилиб берган Хайруллаевмаи денг?

— Худди шундоқ, ўртоқ Хонтўраев. Эрталабки нонуштага Бувайдадан анжир келтирган Хайруллаев ҳам камина бўладилар.

— Узр биродар, узр. Қаричилик. Склероз деган касалга мубтало бўлганлардан, айбга буюрмайдилар.

— Хўжайин ўзларига ҳам қойил қолганлар. Икки гапнинг бирида бошлиғимизнинг ҳам хонлиги, ҳамда тўралиги бор дейдилар. Мени ҳузурингизга юборяётганларида ҳам тўппа-тўғри кабинетларига киравер, ваъдаларига мувофиқ инъом қилган молларни олиб кел, дедилар.

Хонтўраевнинг жони ҳиқилдоғига келди. Ош устидаги ваъдасига вафо қилиш соати яқинлашганидан ташвишланди. «Ҳа, йўқ» дейишга тили бормади. Тахминича, Хайруллаев ундан баттар қув кўринди. «Камикўстларни тўғрилашга келдим денг-а! Сиздан угина, биздан бугина» — деди.

Киши ҳам бўш келмади. «Албатта-албатта, қарс икки қўлдан чиқади-да» деб мийиғида кулди. Сўнгра мурожаат қилди:

— Қоп-поп топиладими? Хўжайин шахсан ўртоқ Хонтўраевнинг ўзларидан тортинмай сўрайвер дедилар.

Қоп!...

Бу саволдан Хонтўраев ўйланиб қолди. Хайруллаев қопни нима қиларкин деган хаёлга борди. Қоп ўз оти билан қоп-ку, деди, яъни бирор нарсани солиш ва жойлаштириш учун ишлатиладиган жўн буюм... Дабдурустдан жавоб бермади, чунки қоп қани деб қолса, қўлида нақд қопи йўқ. Складидаги қоғоз халталарни кўз олдига келтирди. «Топилади» демоқчи бўлдию, Хайруллаев келтирган совғалар қоғоз халтага сиғмай қолмасин тағин деган мулоҳазага борди.

Зеро, Хайруллаевнинг шу топдаги муомаласи унга ёқмади, ўйланиб қолди... Авзойи бузуқ, мулозаматлари сохта, куппа-кундуз ўғрини қароқчи урадиганга ўхшаб кўринди. Гап бир жойга қарор топмагунча, ҳеч нарса демади. Устма-уст папирос чекиб, аламини тутундан олди.

Ишини тезроқ битишини кутган Хайруллаев «хатни ўқинг» дея ишора қилди. Хонтўраев конвертни хафсаласизлик билан олди. Сўнгра даромади ушшоқ буёқда шекилли деган фикрга келди. Конвертни кафтида тутиб салмоқлай бошлади. Назарида ўн сўмликлар.., эллик сўмликлар..

У конвертни Хайруллаев олдида очишини ўзига эп билмади, кўзини шамғалат қилиб, қабулхонага чиқиб кетди.

Қай кўзлари билан кўрсинки конверт ичида у тахмин қилган пулмас, ушбу хат бор эди:

«Корхонамиз мутлақо тўхтаб қолди, йигирма қоп сирач керак. Бериб юбормасаниз аҳволимиз чатоқ, план бажарилмайди».

Декабрь, 1968 йил.

ТОШКЕНТ ТЕАТРЛАРИДА

„ЗАМОН ДРАМАСИ“

Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театри ижодий коллективи драматург Сарвар Азимовнинг «Замон драмаси» асарини саҳналаштирди. Театр мухлислари томонидан илиқ қарши олинган бу янги спектакль курашаётган Шарқ халқлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Ўрта Шарқ мамлакатларидан бирида олиб борилаётган миллий озодлик ҳаракати драманинг бош мавзуи қилиб олинган. Янги тузилган давлатлардан бири икки йўл ўртасида турибди: социализм ва капитализм. Хўш, у қайси йўлни танлаши керак. Қайси бири унинг учун тўғри, нурафшон ва муқаддас? Лекин қайси йўлдан боришни мамлакат бошлиқлари белгилайди.

Президент Азиз Камол, ҳар икки йўлни ҳам рад этади. У дунё кўрмаган, халқ эшитмаган, бутунлай янги учинчи олам яратаман, у партиясиз давлат бўлиб, халқнинг ўзи яъни 7 эшдан 70 ёшгача ўзи партия бўлади, дейди.

Азиз Камол аслида халқ мустақиллиги учун курашувчи, инсоний идеалларга содиқ киши. У капитализмнинг чиркин кирдикорларидан ҳазар қилади, лекин дини-ислом фарзанди бўлгани учун социализм йўлидан боришни хоҳламайди. У учинчи олам—«дини ислом социализми» яратаман дейди.

Партия Марказий Комитетининг секретари Ойша (Азиз Камолнинг севгилиси) бунга жавобан: — учинчи йўл йўқ, баррикаданинг ё у томонига, ё бу томонига ўтишга мажбурсиз. Тарихий қонуннят шафқатсиз нарса, дейди. Охир дин билан социализм—ўт билан сувдек бир-бирига зид нарсаларку!

Курашлар жараёнида хатоликларга йўл қўйилади, қурбонлар берилади. Оқибат-натижада Азиз Камол тушунчасида ўзгаришлар содир бўлади. У энди эътиқод, бурч, садоқат, фидоийлик, ирода, идеал каби илғор тушунчаларнинг асл моҳиятини тушуниб етади. Охири у социалистик йўлни танлайди.

Драмадаги бош қаҳрамон Азиз Камол образини СССР халқ артисти, Давлат ва Ҳамза мукофотлари лауреати Олим Хўжаев ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Зиннур Муҳаммаджоновлар яратишган. Актив коммунист Ойша ролини СССР халқ артисткаси, Давлат ва Ҳамза мукофотлари лауреати Сора Эшонтўраева ва республика халқ артисткаси, Ҳамза мукофоти лауреати Яйра Абдуллаевалар ижро этишади.

Драмадаги Собир, Сильвия, Жамилабону, Ота Дархон, Носир Жавдот, Жобир Ансор, Фозил бинни Аёз, Иброҳим Аҳмад, Назир бува, Бева хотин, Нуржаҳон, Блэли Смит каби характерли ролларни театрнинг етакчи санъаткорлари ҳамда ёш, истеъдодли артистлари Т. Азизов, И. Алиева, Т. Султонова, Ҳ. Наримонов, М. Орипов, М. Юсупов, Қ. Хўжаев, С. Олимов, С. Табибуллаев, И. Болтаева, С. Қорбоева, Ҳ. Исматуллаевалар яратишган.

Асарни Ўзбекистон ССР халқ артисти, Абдулла Тўқай мукофоти лауреати Т. Хўжаев саҳнага қўйган. Саҳна безакларини рассом Г. Брим ишлаган, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор И. Акбаров драма мазмунига мос музика басталаган. Рақс саҳналари СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати Г. Измайлованики.

«Замон драмаси» — Ўрта Шарқ мамлакатларида олиб борилаётган миллий озодлик курашларини рўёброст кўрсатиб берувчи ҳаққоний саҳна асаридир.

* * *

Ҳамза театрининг янги йил режалари ҳам бой, ранг-баранг. 1969 йили томошабинлар академик драма театр саҳнасида Софоклнинг «Шоҳ Эдип» асарини (Асқад Мухтор таржимаси) кўрадилар. Бош ролларни Совет Иттифоқи халқ артистлари Шукур Бурҳонов ва Сора Эшонтўраевалар ижро этадилар.

Бундан ташқари Рамз Бобожоннинг «Инсу жинс» комедияси, Шукрулло нинг «Табассум ўғрилари» драмаси саҳнага қўйилади.

Театр ижодий коллективи доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига драматург Яшиннинг «Йўлчи юлдуз» драмасининг қайта ишланган варианти ни, Ҳамзанинг 80 йиллигига «Ҳамза»нинг янгиланган варианти ни, Самарқанднинг 2500 йиллигига Карло Гоцининг «Бахтнёр гадолар» комедиясини (воқеалар Самарқанда ўтадиган бу асарни рус тилидан шоир Шукрулло таржима қилган) саҳналаштириш ниятида.

А. ЮСУПОВ.

ТОШКЕНТ шаҳар. Олимлар шаҳарчасида ташкил қилинган «Гунча» болалар комбинатида эркатойлар арча байрамини ўтказишадн. СУРАТДА: «Гунча» болалар комбинатидаги арча атрофида ўз қорбоболари билан байрам қилаётган эркатойларни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотоси.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25—Концерт. 9.30—«Янги йил, янги куйлар». 10.30—«Табассум» концерти. 11.15—«Саломалайкум» (радиожурнал). 13.10 — Музикал садом. 13.30—«Бугун сиз билан М. Пахоменко ва Э. Хиль». 14.00—«Янги йилнинг янги одимлари» (қишлоқ меҳнаткашлари учун). 15.20—«Майсаранинг иши» (комик опера монтажи) 17.10—«Дуторим» (музикали-адабий эшиттириш). 18.00—«Яшна гулла, Белоруссия» (музикали-адабий композиция). 18.40—Куба тароналари. 19.20 — Концерт. 20.00—«Янги йил оқшоми». 21.00—«Совет Белоруссиясининг 50 йиллиги» (суҳбат). 21.10—Мақомлардан парчалар. 21.30 — Концерт. 22.20—Янги йил байрам концерти. 23.15 — Янги йил байрам концертининг давоми.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.55—**Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 11.00—**Воқеа қишда бўлган эди** (болалар учун мультфильм). 12.40—**Янги йил огонёги** (ўсмирлар учун).

Ўзбек тилида: 13.30 — **Шайбушайбу** (мультфильм). 13.50 — **Концерт** (бадиий ҳаваскорлар). 14.25 **Дўстларимиз табриги.** 14.55—**Аёз бобо** (бадиий фильм). 16.55—**Кўрсатишлар программаси.** 17.00 — **Қорбобо совғалари** (болалар учун). 17.30 — **Эстрада концерти** (рус тилида). 18.35 — **Бадиий фильм.** 19.50—**Янги йил бали** («Ёшлик» студияси). 21.10 — **Бадиий фильм.** 22.35 — **Янги йил наатта концерти.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00—**Мурзилка ва полвон** (болалар учун мультфильм). 20.20 — **Куба халқининг миллий байрами.** 20.40—**Рус ўрмони ҳақида эртак** (телефильм, рус тилида).

2 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 11.00 — **Еш солдат** (болалар учун телепостановка). 11.50 — КАПИТАН ТАНКЕШ (кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг биринчи серияси).

Рус тилида: 12.15 — **Янги йил карнавали** (болалар учун кинофильм). 12.35 — **Марек Пегуснинг ажиб саргузаштлари** (кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг биринчи серияси).

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **Телеянгиликлар.** 18.15—**Мультфильм** (болалар учун). 18.25 — **Куйлар.** 18.35—**Қувноқ Расплюев кунлари** (бадиий фильм). 20.05 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.10 — **Телеянгиликлар.** 20.30 — **Концерт.** 21.10 — **Пропагандист** (телепрограмма). 21.30 — **Кўзгудаги сув париси** (бадиий фильмнинг биринчи серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — **Тошкент Давлат консерваторияси студентларининг концерти.** 20.40 — **Тош китобни ўқиб** (ҳужжатли фильм).

Рус тилида: 21.00 — **Қиш орзуси** (фильм-концерт). 21.40 — **Сен ника эмассан** (бадиий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/I да **Бўрон қуши** (кундуз). **Парвона** (кечқурун). 2/I да **Бўрон қуши** (кундуз). **Бой ила хизматчи** (кечқурун). 3/I да **Бой ила хизматчи** (кундуз). **Аяжонларим** (кечқурун). 4/I да **Бўрон қуши** (кундуз). **Улимдан кучли** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/I да **Фарғона тонг отгунча** (кундуз ва кечқурун). 2/I да **Навоий Астрободда** (кундуз ва кечқурун). 3/I да **Фарғона тонг отгунча** (кундуз). **Катта концерт** (кечқурун). 4/I да **Фарҳод ва Ширин** (кундуз ва кечқурун).

КИНО

1—2 ЯНВАРДА

Текширув тажрибасидаги ҳодиса — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Портфелли шайтон — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, 5 ва кеч 6-45 минутда).

Геленкадан қандай қутулиш керак? — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Муҳаббатнинг уч туни — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Ҳаводаги саргузаштлар— САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 3 яримда).

3 ЯНВАРДА

Текширув тажрибасидаги ҳодиса — «ДРУЖБА», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, 5 ва кеч 7 да).

Портдаги воқеа — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Портфелли шайтон — НАВОИЙ номли. «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Грек Зорба — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Рассом ҳаёлидан

Ойда

Қидирмаган дўконим қолма-

...ниҳонларг уруш.

1968 йил янги йилга эстафета таёқчасини топширди. 1969 йил бошланяпти. Кўпгина чет эл матбуот органлари, агентликлар, радио ва телевидение шарҳловчилари «эркин дунё» мамлакатларининг эски йилда гўё юксан даражада тараққиётга эришганликлари ҳақида айёҳанос солмоқдалар. Шов-шувга ўч буржуа газеталари кўнгларга кўтариб мақтаётган ўша «эркин дунё» 1968 йилни баъзи соҳаларда қандай якунлагани тўғрисида газетхонлар билан ўртоқлашишни лозим топдик.

«ЭРКИН 68 Й.»

ҚОТИЛЛИКЛАР САҲИФАСИДАН

1968 йил Америка Қўшма Штатлари учун навбатдаги президент сайловлари йилиги на бўлиб қолмади. Ҳатто «Аполлон-8»нинг ойга учирилганлиги ҳам якунланган йилдаги қатор енёсий қотилликлар, разил суиқасдлар, ирқий камситишлар олдида ҳеч нарса эмас.

Вашингтондаги Арлингтон қабристонида Жон Кеннеди қабри ёнида яна бир яшил тепалик пайдо бўлди. Бундан бир неча йил бурун ака-ука Кеннедилардан энг кичиги Эдвард ҳам сенатор қилиб сайланганда Қўшма Штатлардаги енёсий шарҳловчилардан бири шундай деган эди: «АҚШ тарихида учта ака-ука бирданига сенатор бўлганини, ...

шундай хайрли ишга пул аж...ратганингиз маъқул эмасми...дий

ЎҚ ВА НАЙЗА

Жанубий Африка Республикаси ҳукмдорлари ҳам янги йилни ўқ ва найза билан кутиб олдилар. Мамлакатда мавжуд ҳарбий кучлар ҳажми Африкадаги бошқа барча мамлакатлардаги жамики қўролли кучлардан ҳ а м анча ошиб кетди. Хўш, бутун дунёда янги йил тинчлик байрами сифатида нишонланаётган бир пайтда Премория маъмурлари ўқ ва найзаларга мурожаат қилишининг сабаби нимада?

Ҳамма гап шундаки, Жанубий Африка Республикаси мустамлакачилик ва ирқчиликнинг энг сўнгги истеҳкомларидан бири бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам мамлакат маъмурлари янги йилни апартеид сиёсати оборотининг 38 процентн, химия маҳсулотлари экспортининг 60 процентн ана шу концерн ҳиссаси бўлиб, бу ҳол «ИГ-Фарбен»нинг бутун Ғарбий Германия экономикасига ҳал қилувчи таъсир кўрсата олиши учун муҳим омил ҳисобланади.

1931 йили «ИГ-Фарбен»нинг бошлиғи Карл Дуйсберг Гитлерга юборган мактубида «...Европа проблемаларини узил-кесил ҳал этиш учун Европа иқтисоди сифатида Бордодан то Одессагача ёпиқ иқтисодий блок вуқўпи жуда ҳам аёвсиз қашшоқлик муҳитида ҳаёт кечирмоқда. Латин Америкаси мамлакатларида 75 миллион киши сил касаллигидан азоб тортаётганини ким билмайди, дейсиз. Очлик ва касаллик ҳар минутда 4 кишини, ҳар кунда 5500 кишини, йилига 2 миллион кишини нариги дунёга олиб кетяпти.

Бу ўринда худди ана шу статистик маълумотга ўхшаш яна бир маълумотни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлур эди: Латин Америкаси мамлакатларида Америка Қўшма Штатларига минут сайин 4 минг, кун сайин 5 миллион, йил сайин 2 миллиард доллар фонда оқиб кетмоқда. Бунинг эвазига Латин Америкаси қандай наф кўряпти, деб сўрашингиз мумкин. Ҳа, Қўшма Штатлар Латин Америкаси мамлакатлари олдида «қарздор» бўлиб қолмаяпти. Биргина 1968 йили Пентагон Латин Америкаси мамлакатларига 60 миллион долларлик қурол-аслаҳа етказиб берди. АҚШ мудофаа министрлиги эса 3500 латин-америкалик солдат ва офицерни ўқитди.

Бойлик эвазига кўрсатилаётг...

ЖАҲОНИЙ РЕПОРТАЖ

КИМГА ЯНГИ, КИМГА ЭСКИ...

ЯНГИ ЙИЛ, ЭЛАТЛАР. ОДАТЛАР.

Ер куррасининг ҳамма жойларида одамлар янги йилни бир вақтда кутишадими?

Янги йил бир мамлакатга ғарч-ғурч қор босиб кириб келса, иккинчи бир мамлакатга ёзнинг жазирамасида терлаб пишиб боради. Бир халққа у «янги» деб аталса, иккинчи бир элатга «эски» бўлиб қолиши мумкин.

Ўрмон ва қорлар ўлкаси бўлмиш қадимий Русда ҳам бир вақтлар янги йил баҳорнинг биринчи ойида нишонланган. Сўнг янги йилни 1 мартдан 1 сентябрга «кўчиришган».

1699 йилнинг декабрь ойида ноғора садолари остида подшоҳ Пётр биринчининг фармони эълон қилинди: «Бундан кейин йил боши 1 сентябрдан ...чардан ҳисоблансин!» ...йилнинг 1 январи куни ...бутун Москванинг ...болари тўпланишди. ...ли сайил бошланди. ...з тўпдан бир йўла ўқ ... Кремль саройида му...ҳумларининг оғзи очил...

...ПИЗЛАР эса Янги йилни ...2 йилдан 1 январда ни... бошладилар. Илгари ...ил 25 мартда сайил қи... Бу масала инглиз пар...тида қизғин муҳокама ...ди. Тортишувлар авж ...кетди. Янги йилни 25 ...дан 1 январга «кўчириш» ...касида Англиянинг бир ...қарийб уч ойга «қисқа...қоларди. Бу айниқса хо...ва бекаларга ёқмасди. ...бирданига уч ойга «қа...қолишга рози бўлмай, ...н» кўтардилар. Парла...ан «бу вақтни қайтариб ...ни талаб қилдилар.

...анцияда 1564 йилгача ян...л пасханинг (христиан ва ...йларнинг диний байрами) ...чи куни нишонланган.

...АБ мамлакатларида ҳа...он «Ой жадвали» бўйича ...юритилади. «Олло — ...нинг хоҳиши билан» қуёш ..., самода янги ойнинг ин...ўроғи кўринганда янги ...ғилади». Шу ҳисобга кў...ксулмон жадвалида йил ...нга тенг. Шу сабабли ...монларнинг янги йили ...бир вақтда келмай, йил...ўрт фаслига «кўчиб» юра...елодий 1943 йилда му...нлар Янги йилни икки ... — 8 январь ва 28 де...кунлари сайил қилишган. ...й қилиб бир йилда «ик...ни яшаб олишган». Ле...ксулмон аёллари инглиз ...аридек «ғалаён» кўта...ган.

...ва элатларнинг янги ...лни кутиш одатлари ҳам ...хил, гўзалдир. Унда ки...нинг орзу-истаклари, ...хори, миллий хусусият...эҳни, табиати ифодалан...паян халқлари қадим ...арда янги йил кечаси ...онига гуллаб турган оли...ахтини безатишган. Бу...чун иссиқ уйларда олча ...лари ўстирилган.

...ГОРИЯДА шўх бир одат ...эски йилнинг охирги ...лари тугаётган пайтда ...уйларда чироқлар уч минут ўчириб қўйилади. Шу уч минут давомида кишилар хоҳлаган кишиси билан ўпишишади.

Венгрияда янги йил дастурхонини турли туман ноз-неъматлар, таомлар билан безатишади. Меҳмонлар олдига ҳатто «товуқ сути» қандолатларини ҳам қўйишадию, фақат... парранда гўшти қўйишмайди. Чунки, парранданинг қаноти бор. У учиб кетиши, у билан бирга хонадондан бахт, фаровонлик ҳам кўтарилиб кетиши мумкин...

Румин хонадонларида янги йил кечаси «совғали» ширин кулчалар тайёрлашади. Бу кулчаларнинг хамирига танга, халқа, чинни кўғирчоқ, аччиқ қалампир қўшиб югиришади. Бу кулчалар меҳмонлар олдига қўйилади. Меҳмонлар ўз «бахт»ларини синаб кўришади: Кимга аччиқ қалампир солинган кулча тегса у кўз ёшини оқизиб бўлса-да ҳаммасини ейиши керак. Нон — насиба-да!

Агар қиз кулча еяётганда тишига ҳалқа тегса демак у янги йилда эрга тегади.

Жувонга қўғирчоқли кулча тегса ҳам яхши: у фарзанд кўради.

Ҳаммадан ҳам тангали кулчанинг эгаси бахтли: янги йилда унинг ҳамма истаклари рўёбга чиқади.

Муғулистонда янги йил кечаси хонадонларга Қорбобо жасур Чўпон қиёфасида кириб келади. Эски одат бўйича қайроққа-қайроқни уриб, ўчоқларда олов ёқиб беради. Чўпон ёлғизликни енга олган, юриб чарчамас, тоддан олов чиқарадиган кишидир!

Японлар эски йилнинг охирги куни идишлардаги ҳамма сувларни тўкиб, кўза, челак, обдасталарни қуритиб қўйишади. Уйда эски йилнинг сувидан бир томчи ҳам қолмай ди! Булоқлардан янги сув келтиришади. Қўнғироқлар 108 марта бонг уриши билан каттаю-кичик ҳамма булоқ сувига ўзини уради. Шундай қилиб улар эски гуноҳларини «ювишади». Булоқ суви — янги йилда оғизга олинадиган биринчи ичимликдир. Сўнг дастурхонларга гуручдан тайёрланган овқат тортилади. Бу ерда бизнинг ўзбекларникига ўхшаш яна бир удум бор. Кишилар янги йилга қарз билан кирмаслик учун арафада ҳамма қарзларини узиб, «тозаланиб» оладилар. Сайил эса 1 январь тонгида бошланади.

* * *

Минг-минг йиллар давомида шаклланиб келган бу одатлар яна бойиб боради. Янги йил бундан бир неча асрлар кейин ҳам бировларга «янги», бировлар учун «эски» бўлиб қолаверса керак. Биз янги йил қадаҳини Ер куррасидаги халқларнинг бахти, доно, гўзал урф-одатлари учун кўтарайлик.

С. НУРОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

...ибосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўрин...ҳаваскор — В37304. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат капитал қурилиш ва транс...нақлиёт ва алоқа ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот ва спорт — В32347. ...37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253. ...ус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—68, Урганч 34—55.

...шкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 01002.